

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон металлургия комбинати”
акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши аъзоси



Б.Х. Каримов

“31” август 2023 йил
 м.ў.

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги



Г. Рахимова

“29” сентябрь 2023 йил
 м.ў. №07/46-01-02/141

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан
 2023 йил 5 майда P0148-15-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон
 металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг қўшимча акцияларини
 чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришларнинг

МАТНИ

| Амалдаги тахрир | Янги тахрир |
|---|--|
| Қўшимча акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами: 2023 йил 5 май P0148-15-сон | |
| Титул варағи | |
| Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 177 626 648 дона эгасини номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар. | Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 149 016 774 дона эгасини номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар. |
| 4-банди | |
| Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 319 204 421 (уч юз ўн тўққиз миллион икки юз тўрт минг тўрт юз йигирма бир) дона, шундан 177 626 648 (бир юз етмиш етти миллион олти юз йигирма олти минг олти юз қирқ саккиз) дона оддий акциялар ва 141 577 773 (бир юз қирқ бир миллион беш юз етмиш етти минг етти юз етмиш уч) дона имтиёзли акциялар. | Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 290 594 547 (икки юз тўқсон миллион беш юз тўқсон тўрт минг беш юз қирқ етти) дона, шундан 149 016 774 (бир юз қирқ тўққиз миллион ўн олти минг етти юз етмиш тўрт) дона оддий акциялар ва 141 577 773 (бир юз қирқ бир миллион беш юз етмиш етти минг етти юз етмиш уч) дона имтиёзли акциялар. |
| 5-банди | |
| Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 1 596 022 105 000 (бир триллион беш юз тўқсон олти миллиард йигирма икки миллион бир юз беш минг) сўм. | Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 1 452 972 735 000 (бир триллион тўрт юз тўрт юз эллик икки миллиард тўққиз юз етмиш икки миллион етти юз ўттиз беш минг) сўм. |



Р.Х. Пирматов
 Б.Б. Эшанхужаев

“31” август 2023 йил



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi 29-uy, Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52
www.imv.uz, info@imv.uz

ҚАРОР 07/46-01-02/141

“28” сентябрь 2023 йил

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамият (кейинги ўринларда – банк) кузатув кенгашининг 2023 йил 31 августдаги баённомаси ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамиятнинг жойлаштирилмаган акцияларини бекор қилиниши муносабати билан жамиятнинг 2023 йил 5 майда P0148-15-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун жамият томонидан Вазирликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- жамиятнинг 2023 йил 13 сентябрдаги 01-1/2500-сонли аризаси;
- жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 31 августдаги баённомасидан кучирма;
- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгаришлар матни (3 нусха);
- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. Жамиятнинг жойлаштирилмаган акцияларининг бекор қилиниши муносабати билан 2023 йил 5 майда P0148-15-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

2023 йил 5 майда P0148-15-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига асосан чиқарилган номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 1 596 022 105 000 сўмлик 177 626 648 дона оддий ва 141 577 773 дона имтиёзли акциялардан 143 049 370 000 сўмлик 28 609 874 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами ушбу акциялар чиқарилишида 1 452 972 735 000 сўмлик 149 016 774 дона оддий ва 141 577 773 дона имтиёзли акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Вазирликнинг Капитал ва суғурта бозорларини ривожлантириш департаменти Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлими:

- Вазирлик томонидан жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

- ушбу қарорнинг бир нусхасини жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал ва суғурта бозорларини ривожлантириш департаменти Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.

Вазир ўринбосари



Г. Рахимова